

Кўп квартирали уйларни бошқаришда янгиликлар жорий этилади

Мамлакатимизда кейинги йилларда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, юзлаб уй-жойлар, йирик саноат корхоналари, маданият ва спорт масканлари, йўлу кўприклар барпо этилмоқда. Уй-жойларга муҳтож бўлган аҳолини турар-жой билан таъминлаш, янги иш ўринларни яратиш, урбанизация орқали яшил шаҳарларни барпо этиш ишлари давлатимиз иқтисодиётига ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Шу билан бирга уй-жойлар фонди ошган сари кўп квартирали бошқарув тизимида ечилмаган масалалар билан бигаликда қўшимча муаммолар вужудга келмоқда.

Шундан келиб чиқиб, “Кўп квартирали уйларни бошқариш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ушбу қонун лойиҳаси дастлаб сиёсий партияларнинг парламент қуйи палатасидаги фракцияларида атрофлича кўриб чиқилиб, маромига етказилди.

Куни кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлисида мазкур ҳужжат биринчи ўқишда қабул қилинди.

Таъкидлаш жоиз, Уй жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси томонидан сўнгги тўрт йил давомида кўп квартирали уй-жой фондини сақлаб туриш ва улардан фойдаланиш соҳасида 37 мингдан ортиқ кўп квартирали уйлардан фойдаланишнинг техник хавфсизлик қоидаларига риоя этилишини ўрганиб чиқиш натижалари бўйича 61 677 та ҳолатда кўчмас мулк эгалари томонидан уй-жой фонди ва унга туташ ҳудудларда ўзбошимчалик билан қурилмалар барпо этилганлиги аниқланиб, ушбу ҳолатлар юзасидан кўчмас мулк эгаларига ноқонуний қурилмаларни бартараф этиш юзасидан мажбурий кўрсатмалар берилган.

Бугунги кунда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда инспекцияга аниқланган ноқонуний қурилмаларни фақат мажбурий кўрсатма бериш ёки судлар орқали бартараф этиш ҳуқуқи берилган. Бироқ, ўзбошимчалик билан барпо этилган ноқонуний қурилмаларни мажбурий тартибда бартараф этишга оид судларга аризалар тақдим этишда олдиндан давлат божи тўловидан озод этилмаганлиги боис ушбу мазмундаги материалларни судларга тақдим этишда бирмунча қийинчиликларга дуч келинмоқда.

Қонун лойиҳаси билан инспекциясини кўп квартирали уй-жой фондини сақлаб туриш ва улардан фойдаланиш соҳаси доирасидаги судларга киритилаётган даъво аризалари бўйича давлат божини тўлашдан озод қилиш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, инспекция ва унинг ҳудудий инспекциялари бошлиқларига, ҳуқуқбузарлик фактига эътироз билдирилган ҳолларда ишни кўриб чиқиш учун судга тақдим этиш тартибини сақлаб қолган ҳолда, кўп квартирали уй-жой фондини сақлаб туриш ва улардан фойдаланиш соҳасига оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати берилляпти.

Кўп квартирали уй-жойлардаги таянч ва тўсиқ конструкцияларини уй-жой фондидан техник фойдаланиш қоидалари ва нормаларини бузган ҳолда ўзгартириш, шу жумладан кўп квартирали уй-жойларда ва уларга туташ ҳудудларда ўзбошимчалик билан қўшимча қурилмалар қурганлиги учун қўлланиладиган жарималар миқдори оширилмоқда.

Шу билан бирга, қонун лойиҳаси билан турар жойни нотурар жойга ўзгартирмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш, турар жойни юридик шахснинг манзили сифатида белгилаш мазкур турар жойнинг мулкдорларига ёки уларнинг розилиги билан ушбу турар жойда қонуний асосларида истиқомат қилувчи фуқароларга руҳсат этиш белгиланмоқда.

Қонун лойиҳаси билан кўп квартирали уйлар конструкцияларини сақлаш, зилзилабардошлигини ва ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида Уй-жой фонди инспекциясига кўп-квартирали уйларни бошқариш қоидаларни ҳамда таянч ва тусиқ конструкцияларини бузган, уларга туташган ҳудудларда ўзбошимчалик билан қўшимча қурилмалар қурган шахсларга нисбатан ҳуқуқбузарликларини кўриб чиқиш ваколати берилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши, кўчмас мулк эгаларининг уй-жой фондларини сақлаш ва ундан оқилона фойдаланиш борасида шахсий масъулиятини оширишга, кўп квартирали уйларни бошқариш тизимида рақобат муҳити яратилишига ҳамда аҳолига самарали хизматлар кўрсатишнинг янги босқичларини амалиётга татбиқ этиш орқали бугунги кунда уй-жой фондларини сақлаш борасида кўчмас мулк эгалари томонидан билдирилаётган кўплаб эътирозларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Ваҳобжон МУРАТҚОБИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг
Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси,
ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси